

## Ақийда дарслари (24-дарс). Қуръони карим Аллоҳнинг каломи, маънан азалийдир (давоми)



13:59 / 11.03.2019 7763

Аллоҳ таоло:

﴿٩٨﴾ الرَّجِيمِ الشَّيْطَانِ مِنَ اللَّهِ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ أَنْ تَكُونَ مِنَ الْمُرْسَلِينَ إِذَا

«Бас, Қуръон ўқиган чоғингда, Аллоҳдан қувилган шайтондан (унинг шарридан) паноҳ сўрагин», деган (Наҳл сураси, 98-оят).

Яна бошқа бир оятда:

﴿٢٠٤﴾ تَرْحَمُونَ لَعَلَّكُمْ وَأَنْصِتُوا لَهُ. فَاسْتَمِعُوا الْقُرْآنَ أَنْ تُقْرَأَ وَإِذَا

**«Қуръон қироат қилинганда, уни тингланглар ва жим туринглар, шояд, раҳматга эришсангиз»,** деган (*Аъроф сураси, 204-оят*).

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

**«Бу Қуръон етти ҳарфда нозил қилингандир»,** деганлар.

Муаллифнинг «кайфиятсиз» дегани – уни сўз қилиб гапиргани қайси кайфиятда бўлганини билиб бўлмайдди, деганидир. Яъни каломнинг Аллоҳ таолодан содир бўлгани маълум, аммо қайси кайфиятда содир бўлгани маълум эмас:

**«У Зот уни Ўз Расулига ваҳий сифатида нозил қилди»,** яъни:

Аллоҳ таоло Қуръонни Ўз Расули Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламга фаришта тили орқали нозил қилди.

Қуръонни Жиброил алайҳиссалом Аллоҳ таолодан эшитди ва Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васаллам фаришта Жибрил алайҳиссаломдан эшитдилар. Сўнгра одамларга ўқиб бердилар.

Аллоҳ таоло Қуръонда:

﴿١٠٦﴾ نَزَّلْنَا وَنَزَّلْنَاهُ مَكَّةَ عَلَى النَّاسِ عَلَى لِقَاءِ رَبِّهِمْ وَفَرَّقْنَاهُ وَقُرْءَانًا

**«Ва Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришинг учун бўлиб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб нозил қилдик»,** деган (*Исро сураси, 106-оят*).

Бошқа бир оятда эса:

﴿١١٥﴾ مُبِينٍ عَرَبِيٍّ بِلِسَانٍ ﴿١١٤﴾ الْمُنذِرِينَ مِنْ لَتَكُونَ قَلْبِكَ عَلَى ﴿١١٣﴾ الْأَمِينِ الرُّوحِ بِهِ نَزَّلَ

**«Уни Рухул Амийн олиб тушди... сенинг қалбингга, огоҳлантирувчилардан бўлишинг учун. Очиқ-ойдин араб тилида»,** дейди (*Шуаро сураси, 193–195-оятлар*).

Муаллифнинг **«Мўминлар уни ана шу ҳолда «ҳақ» деб тасдиқ қилдилар»,** деганидаги «мўминлар»дан мурод саҳобалар ва тобеъинлардир.

«**Ана шу ҳолда**» дегани эса Қуръоннинг каломлиги ва нозил қилинишига боғлиқ ҳолдир.

«**Бас, ким уни эшитса-ю, башарнинг каломи, деб даъво қилса, батаҳқиқ, кофир бўлар**».

Ким Қуръоннинг Аллоҳнинг каломи эканини инкор қилса, уни Муҳаммаднинг ёки ундан бошқа фаришта ёки башарнинг каломи, деса, кофир бўлишида ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Шунингдек, ким Қуръон Аллоҳнинг каломи эканига иқрор бўлса-ю, аммо уни салафи солиҳ иттифоқ қилганидан бошқача қилиб таъвил қилса ёки ўзича бузса ҳам, кофир бўлишида ҳеч шак-шубҳа йўқ.

«**Башарнинг сўзига ўхшамас**», яъни Аллоҳнинг каломи башарнинг каломига ўхшашдан шарафли, фасоҳатли ва олийдир. Аллоҳ Ўз каломи васфида қуйидагиларни келтиради.

حَدِيثًا اللَّهُمَّنْ أَصْدَقُ وَمَنْ

1. «**Ким Аллоҳдан кўра ростгўйроқ?!**» (Нисо сураси, 87-оят).

2. «**Роббинг сўзлари содиқлик ва адолат ила батамом бўлди**» (Анъом сураси, 115-оят).

يُمَثِّلُهُ يَأْتُونَ لَا الْقُرْءَانَ هَذَا بِمِثْلِ يَأْتُونَ أَنْ عَلَى وَالْجِنُّ الْإِنْسِ اجْتَمَعَتْ لِيْنِ قُلْ

3. «**Агар инсу жинлар тўпланиб, ушбу Қуръонга ўхшаш нарса келтирмоқчи бўлсалар, унга ўхшашни келтира олмаслар**» (Исро сураси, 88-оят).

4. «**Сен: Унга ўхшаш бир сура келтиринг!**» деб айт» (Юнус сураси, 38-оят).

Демак, Қуръоннинг лафзига ўхшаш лафз, назмига ўхшаш назм ва маъносига ўхшаш маъно йўқдир.

Аллоҳ таолонинг каломи банда учун буюк шарафдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

﴿١٦٤﴾ تَكَلِّمًا مَوْسَىٰ أَلَّهُ وَكَلَّمَ

«**Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди**» (Нисо сураси, 164-оят)

رَبُّهُ، وَكَلَّمَهُ، لِمَيَقِّنَنَا مَوْسَىٰ جَاءَ وَكَلَّمَ

«**Қачонки Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида**» (Аъроф сураси, 143-оят).

Бошқа бир оятда набийлар ҳақида шундай деган:

دَرَجَاتٍ بَعْضُهُمْ وَّرَفَعَ اللَّهُ كَلَّمَ مَنْ مِنْهُمْ

«**Улардан Аллоҳ гаплашгани бор ва баъзиларининг даражасини кўтарган**» (Бақара сураси, 253-оят).

Бошқа бир оятда шундай деган:

﴿٥٨﴾ تَرْحِيمٍ رَبِّ مِنْ قَوْلًا سَلَامٌ

«**Роҳийм бўлган Роббдан «Салом» сўзи бор**» (Ёсин сураси, 58-оят).

Имом Ибн Можа ва бошқа имомлар ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтганлар:

«Аҳли жаннат ўз неъматлари ичида турганларида, бирдан уларга нур чиқди. Улар юқорига қарадилар. Қарасалар, Робб жалла жалолуҳу уларнинг устидан қараб турибди. Шунда У Зот: «Ассалому алайкум, эй аҳли жаннат», деди.

Аллоҳнинг «**Роҳийм бўлган Роббдан «Салом» сўзи бор**», дегани мана шу» (Ёсин сураси, 58-оят).

Модомики У Зотга назар солар эканлар, улардан ҳижобланиб олмагунича ва Унинг баракаси ва нури қолмагунча, ўзлари ичида турган неъматлардан ҳеч нарсага илтифот ҳам қилмайдилар.

Аллоҳ таолонинг:

إِلَيْهِمْ يَنْظُرُونَ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يُكَلِّمُهُمْ وَلَا الْآخِرَةَ فِي لَهُمْ خَلَقَ لَأُولَئِكَ قَلِيلًا ثَمَّنَا وَأَيَّمَنَهُمُ اللَّهُ يَعْتَدِ الشَّرَّوْنَ الَّذِينَ إِنَّ

**«Аллоҳнинг аҳдини ва ўз қасамларини арзон баҳога сотадиганлар, албатта, ана ўшаларга охиратда насиба йўқдир, (қиёмат куни) Аллоҳ уларга гапирмайди ҳам, назар ҳам солмайди»,** деган оятида гапирмаслик ила уларни иқоб қилмоқда (*Оли Имрон сураси, 77-оят*). Агар Аллоҳ таоло мўмин бандаларига ҳам гапирмайдиган бўлганида, улар билан кофирлар бир хил бўлиб қолар эдилар. Ундай бўлса, кофирларга гапирмаслигидан фойда бўлмай қолар эди.

Имом Бухорий ўзларининг «Саҳиҳ»ларида «Робб таборака ва таолонинг аҳли жаннатга каломи боби» деган боб очиб, бир неча ҳадисларни келтирганлар. Аҳли жаннатлар учун энг афзал неъмат Аллоҳ таборака ва таолонинг жамолини кўриш ва каломини эшитишдир. Каломни инкор қилиш эса жаннат руҳини ва унинг энг олий ва энг афзал неъматини инкор қилишдир. Аслида бусиз жаннат ўз аҳлига татимайди ҳам.

*“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан*